


Meros

№ 2/2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Ҳасанов М. Кетди (Марсия) 3
Каримова С. Илмга бахшида умр 4
Абдуллаев Б., Куранбаева У. Профессор Ашраф Аҳмедов китоблари 10
Hogendijk J. Professor Ashraf Akhmedov and the Qanun Mas‘udi of Abu Rayhan Biruni 15
Demirci M. Al-Bīrūnī’s Contribution and Leading Role to Historical Criticism in Islamic Historiography 27
Жуманазаров А. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг давомчиси 43
Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари хусусида 56
Каримова С., Ибрагимов Ф., Куранбаева У. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда замонавий технологиялар 66
Бўриев О., Фаромарз Ф. Фарғоний илмий меросида географик билимлар 79
Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” амалий қўлланма сифатида 92

Bagheri M. A Newly Found Letter of Al-Kashi on Scientific Life in Samarkand 102
Абдуллаев Б. “Зижи жадиди Гурагоний” – Мирзо Улуғбек академиясининг энг муҳим ютуғи 123
Абдухалимов Б. Из Самарканда в Стамбул: Али Кушчи и выставка его рукописных коллекций 130

ТИЛШУНОСЛИК
Нурутдинов Ҳ.
“Элчи”, “элчилик” атамаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан 138
Salimova Z. Turk va o‘zbek tillarida fitomorf birliklar orqali inson obrazining ifodalanishi 164

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 4 ноябрдаги 9-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)
Роиқ Баҳодиров
Омонулло Бўриев
Дагели Жанин (*Германия)*
Абдусаттор Жуманазаров
Зоҳиджон Исломов
Одил Қориев
Аширбек Мўминов *(Туркия)*
Дурбек Раҳимжонов
Ўктамбек Султонов
Нурёғди Тошов
Аҳад Ходжаев
Дилором Юсупова
Санжар Ғуломов
Маҳмуд Ҳасанов

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

08.09.2025 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

С. КАРИМОВА

ИЛМГА БАХШИДА УМР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти “Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихи” бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари номзоди, тарих фанлари доктори, профессор, “Меҳнат шуҳрати” ва “Дўстлик” орденлари соҳиби, Беруний номидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофотлари совриндори, халқаро миқёсда таниқли шарқшунос ва берунийшунос олим Ашраф Аҳмедов 2024 йил 1 ноябрь куни 85 ёшда вафот этди.

Бу Ўзбекистон илм-фани учун катта йўқотиш бўлди, чунки Ашраф Аҳмедов нафақат республика, балки бутун дунёдаги аниқ фанлар тарихи ривожи, Амир Темур ва Темурийлар тарихи тадқиқига улкан ҳисса қўшган забардаст олим эди.

Тарихимизнинг ёрқин бўёқли саҳифаларини турли даврларда ўтган буюк шахслар, ҳукмдорлар фаолияти баробарида тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бўлган илм-фан ривожи ҳам тўлдирган. Бу ҳақда биз фан тарихи йўналишида олиб борилган тадқиқотлардан биламиз. Бу тадқиқотлар XIX аср охирларида Европада бошланган бўлиб, XX асрда бутун дунё бўйича тарқалди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, аниқ ва табиий фанлар тарихи бўйича фундаментал ишлар пайдо бўла бошлади. Илм аҳли ва бошқа китобхонлар Абу Бакр Розий (865–925), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абу Райҳон Беруний (973–1048) каби алломалар илмий мероси намуналарининг таржималари билан танишдилар, уларнинг кимё, табобат, математика, астрономия, хронология каби соҳалардаги илмий ютуқларидан хабардор бўлдилар. XX асрнинг охирги чорагида яна Муҳаммад Хоразмий (783–850), Аҳмад Фарғоний (797–865), Мирзо Улуғбекларнинг (1393–1449) асарлари таржималари ҳам дунё юзини кўрди. Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари

томонидан амалга оширилди. Уларнинг орасида иқтидорли ёш олим, физика-математика фанлари номзоди Ашраф Аҳмедов ҳам бор эди.

Ашраф Аҳмедовнинг Шарқшунослик институтига ишга келиши тасодифан бўлмаган. У Тошкент Давлат Университетининг механика-математика факультетидаги талабалик давридаёқ (1958–1963) ўрта аср мусулмон Шарқидаги аниқ фанлар тарихига қизиққан. Ўқиш асносида шу университетнинг Шарқ факультети қошида ташкил этилган икки йиллик араб тили курсини ҳам тугатган. Шу билан бирга, форс ва турк тилларини ҳам мустақил ўрганган. Ўқишни битиргач, “математика тарихи” ихтисослиги бўйича аспирантурага қабул қилинган (1965–1968). Аспирантурага мазкур ихтисослик бўйича киришига 1963–1965 йиллар оралиғидаги ҳарбий хизмати ҳам яхши туртки бўлган: у Жазоир, Сурия ва Ямандан келиб, аэродром ишлари ва учувчилик санъатини ўрганаётган араб йигитлари билан танишиб, улардан араб лаҳжаларини мукаммал ўзлаштирди. Бу эса, ўз навбатида, унга ўрта аср манбаларидан фойдаланишга кенг имкониятларни очиб берди. Натижада, катта ўқитувчи А. Аҳмедов 1970 йилда математика бўйича “Геометрический трактат “Ашкал ат-таъсис” ас-Самарканди и его роль в истории обоснования геометрии” (“Геометрияни асослаш тарихида ас-Самарқандийнинг “Ашкол ат-таъсис” асарининг роли”) мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олган А. Аҳмедов ўрта асрлар аниқ ва табиий фанлари тарихи бўйича республикада мавжуд камсонли мутахассисларнинг сафига қўшилади. Бундан хабар топган Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг ўша даврдаги директори Сабоҳат Азимжонова Ашраф Аҳмедовни Институтга ишга таклиф қилади. Чунки бу вақтда Шарқшунослик институтида Марказий Осиёдан етишиб чиққан алломаларнинг астрономия, математика, табобат ва доришунослик бўйича ёзилган асарлари қўлёзмаларининг ўзбек ва рус тилларига изоҳли таржима ва нашрлари йўлга қўйилган эди. Шундай қилиб, Ашраф Аҳмедов Шарқшунослик институтининг “Ёзма ёдгорликларни тадқиқ ва нашр қилиш” бўлими катта илмий ходими лавозимида кенг қамровли ва чуқур илмий тадқиқотларини Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда нишонланган 1973 йилда бошлайди ва

тез орада П.Г. Булгаков (1927–1993) ва Б.А. Розенфельдлар (1917–2008) раҳбарлигида Беруний танланган асарларининг ўзбек ва рус тилларидаги силсиласини нашрга тайёрлаш ишларининг фаол иштирокчисига айланиб, кўп йиллар давомида алломанинг бир қанча асарларини илмий муомалага киритади. Берунийнинг рус ва ўзбек тилларига изоҳли таржимада нашр бўлган “Хронология”, “Масъуд қонуни”, “Тафҳим”, “Геодезия”, кичик математик ва астрономик рисолалари, шунингдек, 2023 йилда Берунийнинг 1050 йиллиги муносабати билан 8 жилдда қайта нашр бўлган ўзбек тилидаги “Танланган асарлар” силсиласи бунга ёрқин далилдир.

А. Аҳмедов Абу Райҳон Беруний асарлари устида ишлар экан, айниқса, алломанинг астрономия, математика ва географияга оид китоблари манбалари ҳамда биринчи навбатда Х асрга қадар яшаган мусулмон олимлари илмий мероси билан қизиқади. Бу қизиқишлар уни Бағдоддаги илмий академия – “Байт ал-ҳикма”га олиб келади.

Тадқиқотлардан маълумки, “Байт ал-ҳикма”нинг илмий академия сифатидаги шуҳрати кўп жиҳатдан ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийларнинг илмий фаолияти билан боғлиқ. Шу боис, бу олимлар асарлари орқали биз уларнинг илмий салоҳияти, аниқ фанлар соҳасида эришган ютуқлари ҳақида билибгина қолмай, балки “Байт ал-ҳикма”даги илмий муҳит, кўтарилган илмий муаммолар даражаси ҳамда ўша давр фанида қўлланилган услуб ва ёндашувлар билан танишиш имконига ҳам эга бўламиз. Бундай имконият маълум даражада А. Аҳмедовнинг “Мухаммад ал-Хорезми” (1983), “Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланган асарлар. Математика, астрономия, география” (1983), “Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. Астрономические трактаты” (1983), “Аҳмад ал-Фарғоний” (1998) китобларида тақдим этилган.

1983 йилда Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Юбилей тадбирлари доирасида қатор китоблар, мақолалар эълон қилинди, халқаро конференция ўтказилиб, маърузалар тўплам шаклида чоп этилди. Мана шу юбилейнинг ташаббускори ва Хоразмийга бағишланган 20 га яқин нашрларнинг муаллифи А. Аҳмедов эди. Унинг Хоразмий илмий мероси бўйича тадқиқотларининг жавҳари 1986 йилда ҳимоя қилган “Научное наследие ал-Хорезми и его место и роль в истории науки и

культуры” (“Ал-Хоразмий илмий мероси ва унинг фан ва маданият тарихидаги ўрни ва роли”) мавзусидаги докторлик диссертация сифатида шаклланди. Бу диссертация Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий илмий мероси ва унинг “Байт ал-ҳикма”даги илмий фаолиятининг инъикоси бўлди.

“Байт ал-ҳикма”нинг етакчи олимларидан бўлган ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва бошқа шу каби юртимиз илм аҳли вакиллари томонидан асос солинган илмий анъаналар X асрнинг охирида кўҳна Хоразм заминида ўзининг тадрижий ривожини топди. Бу даврда Маъмуний хоразмшоҳлар ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил топган Маъмун академияси Шарқдаги биринчи маданий Ренессанснинг нишони сифатида вужудга келди. Бунинг исботи Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган монографияда (2005), Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синоларнинг аниқ фанларга доир асарлари устида амалга оширилган бир қатор тадқиқотларда кўринади. Бу ишларнинг салмоқли қисми А. Аҳмедов қаламига мансубдир.

Олимнинг илмий ютуқлари ва Ўзбекистон илм-фани олдидаги хизматлари илк бор 1989 йилда Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу даврда А. Аҳмедов олим сифатида фақат Ўзбекистон ёки Совет Иттифоқида эмас, хорижда ҳам яхши маълум эди. Гарчи хорижий халқаро конференциялардаги иштирокчилар рўйхати Москвада тасдиқланадиган ўша даврда А. Аҳмедов 1975 йилда Покистонда ва 1990 йилда Кувайтда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этди.

1991 йили Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришди. Турли жабҳаларда бўлгани каби илмий соҳада ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Аввал таъқиқ ва таъқиб остида бўлган илмий мавзуларга йўл очилди, сўз эркинлиги берилди. Бу ислоҳотлар ижтимоий-гуманитар фанлар, биринчи навбатда тарих фанида ҳам ўз самарасини бера бошлади. Фаолияти илгари қора бўёқларда кўрсатилган ҳукмдорлар, диний уламолар, олимлар ва тарихда из қолдирган бошқа шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини манбаларга таянган ҳолда, янгича ёндашувлар асосида қайта ўрганиш бошланди. Ҳамиша тарих фанига қизиқиши катта бўлган А. Аҳмедов ҳам бу ишлардан четда қолмади. У республикадаги бир нечта манбашунослар қаторида Амир Темур ҳамда Темурийлар ҳаёти

ва фаолияти ёритилган манбаларни ўрганишга киришди. А. Аҳмедовнинг бу йўналишдаги тадқиқотларининг энг йирик маҳсули 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан нашр қилинган "Зижи жадиди Гурагоний" асарининг рус тилига изоҳли таржимаси эди. Холисона айтганда, бу нашр Мирзо Улуғбек юбилейига бағишланган республикадаги энг катта ва қимматли совға бўлди. Чунки "Зиж" Мирзо Улуғбек ва унинг астрономия мактаби вакилларининг кўп йиллик заҳматли меҳнатининг беназир ҳосиласи бўлиб, оптик астрономияга қадар тузилган энг аниқ юлдузлар жадвалини ўз ичига олади. Бу нашрнинг қанчалик аҳамиятли эканлиги 2022 йилда яна бир бора яққол кўринди. Унинг ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларига таржималари нашр қилиниб, шу вақтда Самарқандда ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларига совға қилинди.

Ҳақиқатан, 90-йилларда А. Аҳмедов илмий фаолиятининг янги қирралари очилди, бу даврда у ўзини фақат фан тарихчиси эмас, балки Амир Темур ва Темурийлар тарихининг чуқур билимдони сифатида ҳам намойиш этди. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу санага бағишлаб бир неча тилда "Амир Темур жаҳон тарихида" номли китоб нашр қилинди. Бу асарнинг асосий муаллифларидан бири А. Аҳмедов эди. Шу даврда Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид бир қатор манбалар ўзбек тилига таржима қилинди. Бу ишларни республикамиздаги етакчи манбашунос олимлар: А. Ўринбоев, Б. Аҳмедов, Д. Юсупова, Т. Файзиев, О. Бўриев, Ғ. Каримовлар қаторида А. Аҳмедов ҳам амалга оширди. Жумладан, олим мазкур мавзудаги ишончли манбалардан бири бўлган Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома" асарининг 1519 йилда Муҳаммад Али ибн Дарвеш ал-Бухорий томонидан Шайбонийлардан Кўчкунчихон (1510–1529) буйруғи билан эски ўзбек тилига қилинган таржимасини замонавий ўзбек-кирилл ёзувига табдилини (1997 й., 382 бет) ва рус тилига таржимасини амалга оширди (2008 й., 485 бет). Иш жараёнида туркий таржимани асарнинг форсча аслияти факсимилеси билан қиёслаб, таржимон тушириб қолдирган, лекин илмий жиҳатдан муҳим бўлган жойларни тиклади. Шу пайтгача "Зафарнома" Европа тилларидан бирортасига тўлиқ таржима қилинмаган эди. 2008 йили унинг тўлиқ русча таржимаси нашр

этилиши нафақат юртимиз, балки МДҲ мамлакатларининг маданий ҳаётида ҳам маълум роль ўйнади. Китобнинг нусхалари Москва ва Санкт-Петербургда тарқатилди.

А. Аҳмедовнинг бугунги кунгача нашр қилган илмий ишлари сарҳисоб қилинса, уларнинг сони 300 дан ортади. Мавзу жиҳатдан улар Марказий Осиёнинг исломгача бўлган тарихи, Марказий Осиёдаги икки Ренессанс даври фани тарихи ва илмий марказлар фаолияти, Амир Темур ва Темурийлар тарихининг турли қирраларини ёритишга бағишланган.

Илмий тадқиқотларидан олган янгилик ва хулосаларини АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Иордания, Кувайт, Малайзия, Миср, Покистон, Россия, Сурия, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Франция, Қирғизистон ва Қозоғистонда бўлиб ўтган халқаро конференцияларда эълон қилган.

А. Аҳмедов илмий ижод баробарида илмий-ташкилий фаолият билан ҳам самарали шуғулланди. Жумладан, 1970–1990 йилларда АҚШдаги Рокфеллер Фонди томонидан нашр этиладиган “Mathematical Reviews” журналининг хорижий тақризчиси бўлиб, ўз тақризларини нашр этган. 1997–2000 йилларда эса Покистондаги “Central Asian studies” илмий журналининг муҳаррирларидан бири бўлган. 1995–2001 йилларда Самарқандда ЮНЕСКО томонидан очилган Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтини (МОТХИ) директор сифатида бошқарган ва мазкур институт томонидан нашр этилган “Handicraft of Uzbekistan” (1999), “Handicraft of Kazakhstan” (2001), ”Х.Г. Ахунбабаев. Дворец ихшидов Согда на Афрасиабе” (1999), “Ариф Усманов. Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии” (1999) китобларининг масъул муҳаррири бўлган.

Республикамиз Президентининг ташаббуси билан Тошкентда барпо этилаётган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази музейининг “Илм-фан” экспозициясининг аниқ фанлар қисми концепцияси, экспонатлар рўйхати, информацион матнларини тузишда А. Аҳмедов фаол иштирок этган.

Мустақиллик йилларида А. Аҳмедовнинг илмий фаолияти муносиб тақдирланди: олим 2000 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени, 2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасидаги биринчи даражали Давлат мукофоти, 2022 йилда “Дўстлик” ордени ва

2023 йил “Беруний авлодлари жамоат фонди” таъсис этган “Беруний” мукофотига сазовор бўлди.

А. Аҳмедов машҳур олим бўлиши билан бирга ибратли устоз ва ғамхўр оила бошлиғидир. Унинг раҳбарлигида 6 та номзодлик диссертация иши ҳимоя қилинган ва ҳозирда 2 та PhD даражаси талабгори фан тарихи ва манбашунослик йўналишида ҳимояга чиқмоқда.

А. Аҳмедов умрининг сўнгги кунларигача Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг “Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихи” бўлимини бошқарди, умумий ҳисобда институтда 50 йил самарали меҳнат қилиб, республикадаги аниқ фанлар тарихи соҳасидаги ишларни дунё миқёсига олиб чиқди ва оламшумул эътирофга сазовор бўлди.

Таниқли олим, ғамхўр устоз ва камтарин инсон Ашраф Аҳмедов уни билганларнинг хотирасида абадий сақланиб қолади.

Б. АБДУЛЛАЕВ, У. КУРАНБАЕВА

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВ КИТОБЛАРИ

1. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Мас‘уда. T.V. Часть 1. (книги I–V) / Вступительная статья, перевод и примечания П.Г. Булгакова и Б.А. Розенфельда при участии М.М. Рожанской и А. Ахмедова (примечания). Ответственные редакторы: С.Х. Сираждинов и Г.П. Матвиевская. – Ташкент: Фан, 1973.
2. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Канон Мас‘уда. T.V. Часть 2. (книги VI–XI) / Перевод и примечания Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова при участии М.М. Рожанской, С.А. Красновой и Ю.П. Смирнова (перевод), указатели А. Ахмедова. Ответственные редакторы: С.Х. Сираждинов и Г.П. Матвиевская. – Ташкент: Фан, 1976.
3. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. T.VI. Книга вразумления начаткам науки о звездах (Тафхим) / Вступительная статья, перевод и примечания Б.А. Розенфельда и А. Ахмедова при участии М.М. Рожанской, А.А. Абдурахманова и Н.Д. Сергеевой. – Ташкент: Фан, 1975.